O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: halksuzi@uzpak.uz • 2002 йил 31 октябрь, №235 (3063) Пайшанба


# ДУНАЙ СОҲИЛИДАГИ ФАЙЗЛИ УЧРАШУВЛАР



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-29 октябрь кунлари расмий ташриф билан Венгрия Республикасида бўлди**



Ҳозирги Венгриянинг тарихи X асрдан бошланади. Венгерларнинг аждодлари ўша даврда Карпат тоғлари теварагидаги унумдор ерлар, серсув дарёлар, ҳайвонот ва наботот олами ранг-баранг ва бой ҳудудни макон тутган. Улар олис Европага бизга яқин ҳудудлардан кетгани, халқларимиз ҳануз бир-бирини қайсидир маънода қариндош билиши эса сир эмас.

Президентларнинг илк учрашувида Ференц Мадл Ўзбекистоннинг ютуқларини эътироф этар экан, аввало, тарихий муштаракликдан сўз очган бўлса, кейинги мулоқотлардан бирида Ислом Каримов "чўпон" сўзини икки халқ таржимонсиз тушуниши ва "умумий сўзлар луғати" анча катта эканлигини таъкидлади. Тошкентда туғилиб ўсган, кейинчалик тақдир тақозоси билан Венгрияга бориб қолган одамлар билан мулоқот чоғида биз, ташриф воқеаларини ёритаётган журналистлар бунинг исботини осонликча топдик. Оддий мисол: венгерларда ҳам "она" сўзи бор экан. Бу сўз худди биз англайдиган муқаддас маънони англатади.

Лекин моҳиятга қарайдиган бўлсак, қариндошлик ришталари қанчалик яқин бўлмасин, мамлакатлар амалда ҳамкорлик қилмаса, айниқса, ҳар қандай давлатлараро муносабатларнинг асосини ташкил этувчи савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланмаса, бундай яқинликнинг келажаги мавҳум бўлиб қолаверади.

Президент Ислом Каримовнинг Венгрия раҳбари Ференц Мадл, парламент раиси Каталин Сили, Бош вазир Петер Меддьеши ва бошқа расмий кишилар, ишбилармонлар билан учрашувларида сиёсат бобидаги ҳамкорлик замон руҳига мос тарзда ривожланаётгани, лекин савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами икки томонни ҳам қониқтирмаслиги таъкидланди. Ўзбекистон билан Венгрия БМТ, ЕХҲТ сингари халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамфикрлик билан иш юритади. НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури ҳамда Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгашида ҳам мамлакатларимиз ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади. Ўзбекистон Венгриянинг Европа Иттифоқига қўшилиш ниятини қўллаб-қувватлайди ва бу борадаги ютуқларидан мамнунлигини яширмайди. Умуман, Ўзбекистон Венгрияда кечаётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни диққат билан кузатиб, муваффақиятларидан қувониб келади.

Венгрия томони ҳам сиёсий жабҳада Ўзбекистонга жуда хайрихоҳ. Фожиали 11 сентябрь воқеларидан кейин Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги тарихий қарори, кўп давлатлар қаторида, Венгрия томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Президент Ференц Мадл Ўзбекистоннинг мазкур коалициядаги ҳиссасини юксак даражада қадрлашини алоҳида таъкидлади. Умуман, Венгрия раҳбарияти Ўзбекистоннинг ислоҳотлари, минтақавий ва дунёвий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беради.

Иқтисодий муносабатлар — янада эътиборталаб мавзу. Очиқ тан олиш керак, савдо-иқтисодий муносабатларимиз сўнгги вақтларда анча сусайди. Венгрия томонининг маълумотларига кўра, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 14-15 миллион АҚШ долларини ташкил этган, холос. Президент Ислом Каримовнинг фикрича, буни қисман ўтиш даври, саноатда, халқ хўжалигида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Лекин самарали ҳамкорликни кутиб ётган, юқоридаги омиллар билан "оқланмайдиган" соҳалар ҳам аслида кам эмас. Савдо-иқтисодий муносабатларни сусайтираётган бош омил ахборот танқислигидир. Мамлакатимиз раҳбари учрашувларда ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига тўла ойдинлик киритди.

Хўш, Ўзбекистоннинг Венгрия билан ҳамкорликдан манфаатдорлиги кўпроқ қайси соҳаларда кўзга ташланади? Аввало, тўқимачилик ва енгил саноатда. Ўзаро савдо ҳажми камайиши сабабларидан бири икки мамлакат ўртасида воситачилар мавжудлигидир. Ваҳоланки, бевосита алоқа бир неча чандон фойдали бўлиши турган гап. Бунинг содда ва синалган йўли қўшма корхоналар тузишдир.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати, дори-дармон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик каби соҳаларда Венгрия билан жуда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Транспорт коммуникациялари билан сайёҳлик эса икки томонда ҳам улкан қизиқиш ва интилиш ҳосил қилиши тайин.

Венгрия ишбилармонларида Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишни яна қандай омиллар кучайтиради? Ўзбекистон табиий ва минерал хомашё заҳираларига бой. Айниқса, газ, олтин, вольфрам, фосфоритлар, каолин заҳиралари бобида мамлакатимиз ҳақли равишда дунёдаги етакчи ўринларда туради. Газ заҳираларининг ўзи 2,5 триллион куб метрни ташкил қилади. Қолаверса, заминимиздан Менделеев даврий жадвалидаги барча элементларни топиш мумкин.

Ипакчиликда ҳам кўрсаткичларимиз юқори. Булар қаторида мева-сабзавотнинг кўплигини таъкидламоқ жоиз. Афсуски, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда етиштириладиган мева-сабзавотнинг анчагина қисми қайта ишланмасдан қолади. Чунки бизда консервация, сублимация, қўйингки, ҳосилни қайта ишланган тайёр маҳсулот ҳолига келтириш жараёнида зарур бўлган техника ва технологиялар яхши ривож топмаган. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш борасида катта ютуқларни қўлга киритган Венгрия Ўзбекистонга эътиборини кучайтирса, нафақат биз, ўзи ҳам бундан катта манфаат топган бўлур эди.

Ислом Каримов бу манфаатдорликни жўнгина исботлади. 2004 йилда Венгрия Европа Иттифоқига қўшилади. Ғарбий Европа эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда анча илғор минтақа. Демак, Венгрия кучли рақобатга дуч келиши шубҳасиздир. Бундай вазиятда у Ўзбекистон билан ҳамкорликни кучайтиришдан фақат ютади.

Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг самарадорлигига объектив омиллар ҳам кўп. Аввало, сармоя эркин кириб бориши учун барқарорлик, кўплаб имтиёз ва қулайликлар мавжуд. Ўзбекистон саноатнинг ўзи учун мутлақо янги бўлган турларини очди (автомобилсозлик, телекоммуникация ва ҳоказо), иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар ясади (ғалла ва нефть мустақиллиги), бозор инфратузилмасини шакллантирди. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ҳар қандай давлатда иқтисодиёт таянчи бўладиган кичик ва ўрта бизнесни кенг қўллаб-қувватлашга эътибор жуда кучли. Кенг авж олган хусусийлаштириш жараёнида эса барча, жумладан, Венгрия сармоядорлари ҳам, фаол иштирок этиши мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик Афғонистонни тиклаш ишларида ҳам ривожлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Чорак асрлик урушдан чиққан бу мамлакатга темир йўли кўприги фақат Термизда бор. Демак, тикланиш лойиҳаларида иштирок этишни кўзлаганлар Ўзбекистонни четлаб ўтолмайди.

Бошқа соҳаларни олсак, Ўзбекистон билан Венгрия атроф муҳит муҳофазаси, илм-фан, маданият соҳасида, ҳарбий-техникавий соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдан ўзаро манфаатдордир.

Кўрилган масалалар юзасидан томонларнинг фикри бир жойдан чиқди. Президентлар Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилди. Ўзбекистон-Венгрия муносабатларининг ҳуқуқий базасига эса яна бир нечта муҳим ҳужжат қўшилди: томонлар сармояларни ҳимоялаш ва ўзаро рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги, автотранспортда халқаро йўловчи ва юк ташиш, уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳаларидаги ҳамкорликни расмийлаштирди.

Ташриф ҳақидаги мулоҳазалар якунланар экан, кузда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мулоқотлари ғоят фаоллашганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Ислом Каримов бу мавсумда ЕИга қўшилиш арафасида турган уч давлат — Литва, Польша ва Венгрия раҳбарлари билан учрашди. 2002 йилнинг бошидан оладиган бўлсак, Ўзбекистон рамзий маънода қўллари билан дунёни кучди, дейиш ўринлидир. Ғарбнинг энг чекка нуқтаси АҚШ ҳамда Шарқнинг ибтидоси бўлмиш Японияга — дунёнинг энг илғор давлатларига Президент Ислом Каримовнинг расмий сафарлари уюштирилди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил ва одил сиёсати умумдунёвий миқёсда нафақат эътироф этилди, балки юксак баҳо олди. Мовий Дунай соҳилидаги кўҳна Будапештдаги файзли учрашувлар ҳам бу эътироф ва шу юксак баҳонинг яна бир ёрқин амалий тасдиғи бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Будапешт-Тошкент.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 октябрь куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Португалиянинг ташқи ишлар ҳамда хориждаги португал ҳамжамиятлари ишлари бўйича вазири Антонио Мартинш да Крушни қабул қилди.

— Кейинги йилларда, айниқса жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши ялпи кураш бошлаганидан кейин, Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида ҳамкорлик янада фаоллашди, — деди давлатимиз раҳбари учрашувда. — Зеро, 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин сайёрамиздаги вазият тубдан ўзгарди. Халқаро ҳамжамият террор муаммосига қарши кучларни бирлаштириш заруратини англаб етди.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1992 йил 26 февралда мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг аъзолигига қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, бу истиқлолимизни янада мустаҳкамлашда, халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувда Ўзбекистон учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йили ЕХҲТ ҳузурида Ўзбекистоннинг ваколатхонаси фаолият бошлади. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилот доирасидаги тадбирларда фаол иштирок этиб келаётгани миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланишини таъминламоқда.

1995 йили эса пойтахтимизда ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси иш бошлади. Шундан буён ЕХҲТ мунтазам равишда мамлакатимизга ўз делегацияларини жўнатиб турибди. Бу ташрифлар ташкилотнинг Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистонга эътибори ортиб бораётганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда жаҳондаги ҳамда минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, наркобизнесга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Португалиянинг ташқи ишлар ҳамда хориждаги португал ҳамжамиятлари ишлари бўйича вазири Антонио Мартинш да Круш раҳбарлигидаги делегация вакиллари 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда томонлар минтақавий хавфсизлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, демократик тамойилларни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА).**

# БОЖХОНАЧИЛАР ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликдаги курашига бағишланган халқаро анжуман давом этмоқда. Жаҳон божхона ташкилоти шафеълигида ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттизга яқин мамлакатнинг божхона идоралари ва йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг иккинчи кунида АҚШ, Германия, Непал, Покистон, Озарбайжон ва мамлакатимиз мутахассислари ҳамда йирик халқаро ташкилотлар вакилларининг маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, муҳим минтақавий ва жаҳон миқёсидаги муаммо — гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши аҳоли саломатлиги ҳамда жамият тараққиёти учун жиддий хавф туғдирувчи омиллардан хисобланади. Сир эмас, таҳдид солишда терроризм сингари бало билан ёнма-ён турувчи гиёҳвандликка қарши кураш инсоният олдида энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Анжуманда жаҳон божхоначиларининг ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро тезкор ахборот алмашишни янги поғонага кўтариш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар божхона идораларининг амалий ҳаракатларини бирлаштирувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон божхона органларининг фаолиятига юқори баҳо бердилар.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йилнинг 1 ноябридан Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб, 50 сўмлик қийматдаги танга пулни муомалага чиқаради. Танга пўлатдан тайёрланган оқ рангдаги мис-никель қотишмаси билан қопланган.

Танганинг олд томонидаги (аверс) Оқ Сарой архитектура мажмуаси фонида Амир Темурнинг ёдгорлик ҳайкали тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмида танга қийматини кўрсатувчи 50 рақами ва «SOM» деган ёзув мавжуд. Тасвирнинг айланаси бўйлаб, «SHAHRISABZ SHAHRINING 2700 YILLIGI» деган матн жойлашган.

Танганинг орқа (реверс) томонида Ўзбекистон Республикасининг Герби акс эттирилган бўлиб, унинг остида танга чиқарилган йил «2002» ёзуви бор.

Гербнинг айланаси бўйлаб «OZBEKICTON MARKAZIY BANKI» деган ёзув жойлашган. Танганинг ташқи айланаси бўйлаб мунчоқ шаклидаги нақшинкор безак туширилган.

Танганинг ён томони ботиқ чизиқли бўлиб, 100 та чизиқлар 10 донадан гуруҳланган.




Муомалада юрган пул белгилари ва тангалар қаторида муомалага чиқарилаётган 50 сўм қийматидаги танга барча хўжалик субъектлари ва аҳоли томонидан ҳеч қандай чекланмаган ҳолда ёзилган қиймати бўйича барча тўловлар учун қабул қилиниши шарт.

## Сўнгги хабарлар

# Миллий ғоя — менинг ғоям

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январь Фармойишига асосан, мана, учинчи ўқув йилидирки, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар"и таълим тизимида махсус фан сифатида ўқитиб келиняпти. Бироқ миллий истиқлол ғоясини ёш авлод қалби ва онгига сингдириш фақат ўқув дастуридаги машғулотлар билангина амалга ошиб кетаверадиган вазифа эмас.

Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказаётган маънавий-маърифий тадбирларида миллий истиқлол ғояси моҳиятини ёшларга сингдиришда бевосита савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар шаклидан фойдаланиляпти.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида яқинда ўтказилган "Ҳаёт, миллий истиқлол ғояси, тиббий маънавият ва мен" мавзуидаги давра суҳбатида ҳам тарғибот-ташвиқотнинг ана шундай замонавий, таъсирчан ва оммабоп усуллари қўл келди.

**Мурод ҲОШИМОВ.**




# Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

***Беш юз метрлик масофа байдарка учун жуда қисқа йўл. Бу манзилга бир нафасда етиб борса бўлади. Айниқса, маррага яқинлашганинг сайин командадош дўстларинг сени қўллаб-қувватлаб қичқираётганлигини эшитиб, кучингга куч қўшилади. Ахир олтин медаль фақат сеники эмас, ҳамманики, умумжамоа ютуғига қўшилган муносиб ҳисса ҳамдир. Антон командадошларининг овозини эшитди ва эшкакларни янада қаттиқроқ ҳаракатлантириб, ёнма-ён бораётган рақибларидан ўзиб кетди.***

*Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг.* →




# Давлат божхона қўмитаси раисига саволларингиз борми?

**Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!**

- *Мамлакатимизда божхона қонунчилиги устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар Сизни қизиқтирадими?*
- *Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар ечимида қандай саволлар туғилмоқда?*
- *Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоялаш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, ноқонуний товар моддий бойликлар ҳаракатланишининг олдини олиш борасида божхона тизимида қандай тўсиқлар мавжуд, деб ўйлайсиз?*

Хуллас, божхона тизимидаги ўзгаришлар, ислоҳот одимларига оид савол, таклиф, мулоҳазаларингизни баён этиш ниятингиз бўлса, **2002 йилнинг 5 ноябрь куни соат 10.00 дан 12.00 гача** (8-371) 120-76-41 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг. Сизни Давлат божхона қўмитаси раиси **Равшан ҲАЙДАРОВ** шахсан эшитади ва саволларингизга жавоб беради.

**Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 136-07-94 телефони ёки (8-371) 133-52-55; 133-57-34 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин.**

## Огоҳлик

Мен оммавий ахборот воситаларини фикрлашга чорловчи, бу фикрлардан муайян хулосалар чиқаришга ундовчи, келгуси ҳаёт йўлларини белгиловчи омил сифатида биламан. Дунёга очиқ кўз билан қараш, теварак-атрофдаги воқеаларга фаол муносабатда бўлишда ахборотларнинг алоҳида ўрни бор.

# Тинчлигимиз — ҳурлигимиз

Хўш, мустақиллигимизнинг ўн бир йили мобайнида биз қандай йўлни босиб ўтдик? Ҳозирги кунда ўтиш даврининг қайси босқичидамиз? Бутун жамият ва ҳар бир фуқаро олдида қандай долзарб вазифалар турибди? Бу саволларга Юртбошимизнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан жавоб топдик. Президентимиз ҳар бир киши онгини ва дунёқарашини янги ғоялар, янги вазифалар билан бойитди.

Айниқса, «Ўз уйингни ўзинг асра» ва «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган шиорларни ёдга солгани, яна бир карра огоҳликка даъват этгани қалбимга чўғ бўлиб кирди. Ахир ўйлаб кўринг: мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг барчаси тинчликнинг меваси-ку?! Фарғона, Паркент, Ўш, Ўзган, Наманган воқеалари, 1999 йил 16 февраль фожиаси, қаторасига уч йил давомида босқинчиларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, озодлик ва тинчлигимизга хуруж қилганларини унутиб бўладими? Ёки ўтган йилнинг 11 сентябрини эслаймизми, ўтган ҳафтада Москва шаҳрида содир этилган террорчиликни кўз олдимизга келтирамизми, воқеалар занжири бугуннинг қадрига етишнигина эмас, эртанги тақдиримизга масъуллик ҳиссимизни кучайтиришни ҳам тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

Таббий офат

## Вулқон кучаймоқда



Италия ҳукумати Сицилия оролидаги Этна вулқони уйғонгани боис, унинг атрофини табиий офат ҳудуди деб эълон қилди. Ҳозир вулқоннинг учта кратеридан отилаётган лавалар оқими пастга йўналмоқда. Шунинг учун атрофда яшовчи минглаб кишилар ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлишди. Қутқарувчилар лава оқимини хавфсиз жойларга йўналтириш учун махсус тўсиқлар қуришмоқда.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабарига кўра, оролда ер силкинишлари давом этмоқда. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,3 баллгача етмоқда.

Ҳисобот

## Экспертлар маълум қилишадики...

Ҳозирги кунда 175 миллион киши ёки ер юзининг 3 фоиз аҳолиси ўзи туғилган мамлакатда яшамаяпти. Бу кўрсаткич 1975 йилдагидан икки марта кўп. Уларнинг бешдан уч қисми иқтисодий ривожланган мамлакатларда, қолганлари эса ривожланаётган давлатларда ҳаёт кечиришмоқда.

БМТнинг демография бўйича экспертлари маърузасида ана шундай ҳисобот келтирилган.

Унда маълум қилинишича, ўзи туғилган жойда яшамаётганларнинг 56 миллионга яқини Европада, 50 миллиони Осиё давлатлари ва 41 миллиони Шимолий Америкада яшамоқда.

"Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, қочоқлар сони 2000 йилдан буён ўзгаргани йўқ ва айни пайтда 16 миллион кишини ташкил этади.

Ташвиш

## Номаълум касаллик оқибати



Афғонистоннинг шимоли-шарқида номаълум касаллик оқибатида 70 нафарга яқин бола ҳаётдан кўз юмган. Бу ҳақда Американинг расмий вакили маълум қилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Лоретта Хьебер Жираденинг таъкидлашича, аниқланмаган маълумотларга кўра, қурбон бўлган болаларнинг сони 140 нафаргача етган.

«ИТАР-ТАСС» агентлигининг хабар беришича касаллик аломатлари кўкйўтал ва дифтерияни эслатади ва агар эмланса, у инсон соғлиғига хавф туғдирмайди. Лекин бугунгача фақат 40 фоиз афғон болалари ушбу касалликка қарши эмланган, холос.

Яқин Шарқ

## Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби



Фаластин Миллий Мухторияти раҳбари Ёсир Арофат янги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини эълон қилди, деб хабар беради "Рейтер" агентлиги.

Маълум бўлишича, вазирликлар сони 21 нафардан 19 нафаргача қисқартирилган. Фуқаролар ишлари бўйича вазирлик, Ёшлар ва спорт вазирлиги ва телекоммуникация вазирлиги тугатилган.

Агар парламент янги Вазирлар Маҳкамаси таркибини маъқулласа, у ўз ишини 2003 йил 20 январигача олиб боради. Чунки шу куни Фаластин Мухториятида умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Арофат янги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тайинлаш маросимидаги нутқида фаластинликларнинг Исроил истилосига қарши кураши уларнинг Исроил давлат сифатида мавжуд бўлишига қарши дегани эмаслигини қайд этган.

"Биз ярашиш рамзи сифатида қўлимизни чўзамиз, Мадрид ва Ослода қадам қўйилган йўлга қайтиш мақсадида тинчлик ўрнатишни таклиф қиламиз», — деди Арофат.

Жараён

## Ҳарбий трибунал бошланди



Мексикада икки нафар армия генерали устидан ҳарбий трибунал иш бошлади. Улар наркомафияни ёқлаганликда айбланмоқда.

68 ёшли дивизия генерали Франсиско Умберто Кирос Эрмосильо ва 60 ёшли бригада генерали Марио Артуро Акоста Чапарро гиёҳванд моддаларни самолётларда ташиганликда ҳамда йирик наркокартелнинг хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашганликда айбланмоқда.

"NEWS.ru"нинг маълумотига кўра, агар икки генерал айбдор, деб топилса улар 40 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинишлари мумкин.

## Қурол сотганликда айбланмоқда

**Сербия (Босния ва Герцоговина) мудофаа вазири Слободан Билич ва Бош штаб бошлиғи Навица Силич БМТ Хавфсизлик Кенгашининг эмбаргосини бузиб, Ироққа қурол сотганлиги учун истеъфога чиқарилди.**

**"Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, шундай қилиб истеъфога юборилган расмий шахсларнинг сони 5 нафарга етди. Аввал бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи завод директори, республика ташқи савдо компанияси раҳбари ва ҳарбий ҳаво кучларига жавоб берувчи мудофаа вазирининг ўринбосари ўз лавозимларидан четлатилган эдилар.**

## Сайлов муддати белгиланди

**Кения марказий сайлов комиссияси мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш муддатини эълон қилди. Сайловлар шу йилнинг 27 декабрь куни бўлиб ўтади.**

**"Рейтер" агентлигининг маълумотига кўра мамлакатни сўнгги 24 йил ичида бошқараётган президент Дэниэл Арап Мои парламент сайловларидан сўнг ўз лавозимини тарк этишини маълум қилган.**

**Парламент ўтган жума куни тарқатиб юборилган эди.**

## Террорчи асирга олинди

**Филиппинда "Абу-Сайяф" гуруҳининг юқори лавозимли аъзоларидан бири — Бхала Бада асирга олинган. Америкалик махсус хизмат вакилларининг фикрича, у "Ал-қоида" гуруҳи билан алоқадордир.**

**"Рейтер" агентлигининг маълум қилишича, Бадани асирга олиш амалиётлари мамлакат жанубидаги Замбоанга шаҳрида амалга оширилган. Ўша шаҳарда икки ҳафта аввал кучли портлаш оқибатида бир нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлган эди.**



## Кучли ёнғин

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Вьетнамнинг Хошимин шаҳридаги хорижий компаниялар жойлашган савдо марказида содир бўлган кучли ёнғин оқибатида 54 киши ҳалок бўлган ва 120 киши жароҳатланган.**

**Интернет хабарлари асосида Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

*Дунёда дўстлик, тенглик, тинчлик деган умрбоқий сўзлар борки, уларни тиллою кумушлар билан ўлчаб бўлмас. Бу сўзларнинг қадр-қимматини меҳр-оқибат, ҳамкор-ҳамжиҳатлик, орзу ниятга ҳамдамликда интилиш, ўзаро ёрдам каби омиллар оширäверади. Навоий туманидаги «Нарпай» ширкат хўжалиги мисолида буни яққол ҳис этишингиз мумкин.*

*Хўжалик ҳудудида 20 дан ортиқ миллат вакиллари қўлни қўлга бериб бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ яшаяпти. Уларнинг бир-бирларига ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, ҳамжиҳатлигини кўриб, ҳавас қиласиз. Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро миллати, ирқи, диний қарашларидан қатъи назар тинч-тотув ва дўстона ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгалигига яна бир бор имон келтирасиз:*



## Миллат равнақи — Ватан равнақи

**Рима ВЕЛИЕВА:** — Шу маҳаллада туғилиб, вояга етдим. Қишлоқ мактабида ўқиб, маълумот олдим. Турмуш ўртоғим ҳайдовчи. 4 нафар фарзандимиз бор. Татар миллатига мансубман. Катта қизим Элмира ўзбек йигити Улуғбек билан турмуш қурган. Элдор ўғлим рус қизига уйланган. Зинфера ва Бакер талаба. Оиламизда уч миллатни учратасиз.

Қишлоғимиздаги тўй ҳам, байрам ҳам ҳаммамизники. Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, иззати жойига қўйилади. Ҳар бир нарсага адолат нуқтаи назаридан қаралади.

**Виктор БЕЗЗУБАХИН:** — Ёшим 67да. Россия Федерациясининг Тамбов вилоятида туғилганман. Андижон пахтачилик институтини битиргач, Навоий туманига юборишганда шу қишлоқда бир умр қолиб кетишимни тасаввур ҳам қилолмаганман. Ўзбекона ҳурмат-эҳтиром, самимийлик мени бутунлай ўзига ром қилди. Тилни ҳам тез ўрганиб олдим. Узлуксиз 30 йил бош агроном вазифасида ишладим. Хўжалигимиз бой-бадавлат хўжаликка айланди. Ҳозир уруғчилик бўлимини бошқаряпман.

Рафиқам ҳам агроном. Қизимиз ўзбек оиласининг келини. Ўғлимиз муҳандис. Рус бўлсакда ўзбекона урф-одатларсиз яшолмаймиз. Шу Ватан ҳаммамизники, унинг истиқболига чин дилдан ишонамиз.

Қаранг, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни санаб бўладими? Унинг замирида кўп миллатли бунёдкор халқимизнинг ақл-идроки, ўзаро ҳурмат, жипислик турганини сезмаслик мумкин эмас. Бунинг ҳаммаси Асосий Қонунимиз туфайли эканлигини яхши биламиз. Ахир ана шу муҳим ҳужжатку бизни оламга танитган, ҳаммани бир замин фарзандлари сифатида ҳақ-ҳуқуқини мустаҳкамлаб берган.

**Алиса ЭЛИОНЕР:** — Фашизм келтирган офат немис халқининг ҳам кўплаб фарзандларини беватан этди. Уруш даврида шу қишлоққа кўчиб келган эдик. Раҳматли турмуш ўртоғим учувчи бўлиб, озарбойжон миллатига мансуб эди. Ҳозир ёшим 78 да. Шу пайтгача ҳеч ким немис миллатига мансублигимни юзимга солган эмас.

Касбим ветеринария врачи. 50 йилдан ортиқ хўжаликда ишладим. Кўп миллатли юртимизда, жумладан қишлоғимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш учун барча шароитлар яратилган. Мен буни ўзбек халқининг бағрикенглиги, ўзига хос тантилиги, меҳмондўстлигидан, Конституциямизда ҳақ-ҳуқуқлар тўла ўз ифодасини топганидан деб биламан.

Энди биз, қарияларга ҳурмат-иззатни айтинг. Эҳ-ҳе, биргина шу йил давомида ўзимгагина кўрсатилган ғамхўрлик, меҳрибонликлар ҳақида ёзсангиз катта достон бўлади.

**Сергей КИМ:** —Қишлоғимизда ҳамма мени иззат-икром билан уй тўрига таклиф қилади. Тўй-томошаларда даврага тортиб, сўзлатмасдан қўймайди. Оқ кўнгил ўзбек халқига қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам оз.

Касбим ирригатор. Умрим бўйи далаларимизга сув етакладим. Фарзандларим шу ерда туғилиб, ўзбеклар орасида вояга етди, маълумотли. Ҳаётимиз тўқ, ширин. Ўзбеклар мени, оиламизни афзал кўрсалар кўрадилару, аммо шу дамгача сен корейс деганини эшитганим йўқ.

Матбуотни мунтазам кузатиб бораман. Дўстлик, биродарлик, туташ тақдирлар ҳақида кўпроқ ёзинглар. Ёш авлод тарбиясида жуда асқотади. Аминманки, мамлакатимизнинг шундай улуғ, муборак қонуни бор экан, дўстликка гард ҳам юқмайди. Аксинча, миллатлар янада равнақ топаверади.

**Сида АРЮТИНОВА:** — Ўзбекистонда, яъни шу қишлоқда 55 йилдан бери яшаяпман. Қишлоқдошларим мени ўқитди, илмли қилди, ҳунар ўргатди. Узоқ йиллар пахта тозалаш заводида ишлаб, эндиликда қарилик гаштини сураяпман. Келиним украин, ўзимни ўзбек десангиз ҳам бўлаверади..

Ҳамқишлоқларимнинг оддий арман аёлига билдирган иззат икромидан кўнглим тоғдек баланд. Шунча йил яшаб ҳеч қачон келгинди ёки мусофир деб камситилганим йўқ. Туғишгандек бўлиб кетганмиз-да!

Ўзбекларнинг қадимдан бағри кенглиги, меҳмондўстлигини бутун дунё билади, деб ўйлайман. Меҳри дарё, бардоши метин, жасоратда алп бу халқ олдида мен ҳамиша таъзимдаман.

**Тофик МАЯСОВ:** — Собиқ иттифоқ тарқалиб кетгач, баъзи ҳудудларда яшаётган бошқа миллат вакиллари ўртасида кўча-кўч бошлангани ҳеч кимга сир эмас. Кўчиш фикри менинг ҳам, оила аъзоларимизнинг ҳам хаёлига келгани йўқ. Қирим татарлари сифатида 1944 йилда шу қишлоққа кўчирилган эдик. Шу-шу Ўзбекистон менинг Ватаним.

Ўзбеклар ранг-баранг удум ва анъаналарга бой халқ. Барчаси одатларимизга яқин. Қишлоғимизда ҳеч қачон миллат сўраб суриштиришганини эслай олмайман. 3 нафар фарзандим бор. Ҳаммаси олий маълумотли шифокор, эътиборли корхоналарда ишлашади. Ҳеч кимдан, ҳеч нимадан камчилигимиз йўқ. Президентимиз Ватан тараққиёти, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини энг муҳим мезон сифатида белгилаганки, демак йўлимиз, манзил мақсадимиз бир.

*Биз ким билан суҳбатлашмайлик мустақиллик ҳамма миллат вакилларига бирдай эркинлик, миллат равнақи учун имконият берганини мамнунлик билан таъкидлашди.*

*Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қосимжон Нуровнинг айтишича, 10500 дан ортиқ аҳоли бир-бирини яхши тушунишади. Ўзбекчами, русчами, татарчами сўзлашаверади. Мақсад битта: Ватан келажаги учун хизмат қилиш. Аҳиллик шарофати туфайли барча соҳалардаги режалар йилма-йил оширилиб бажарилаяпти. Ўтган йили умумий даромадимиз қарийб 500 миллион сўмга етди. Минг гектардан ортиқроқ ер фермерлар ихтиёрида. Тадбиркорларнинг сон-саноғи йўқ. Одамлар тўқ, фаровон яшаяпти. Ҳар қадамда янги қурилиш, ободончилик. Буларнинг барчаси «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган туйғу илдиз отганидан, Конституциямизда белгилаб берилган ҳақ-ҳуқуқларнинг амалдаги ифодасидан далолат.*

***Агар дўстинг билан тенг,***
***кўрсанг баҳам***
***Шодлик тенг бўлинар,***
***тенг бўлинар ғам.***

*Раис ушбу мисраларни такрорларкан, севимли шоиримиз Эркин Воҳидов гўё туғишгандек, меҳрибон қишлоқдошларим учун айтган бўлсалар ажаб эмас деб қўйди.*

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

Кузги чақирув

## Ҳарбий хизмат — йигитнинг бурчи

*Айни пайтда юртимиздаги барча ҳарбий бўлинмаларда иш қизғин. Кузги чақириқ бўйича хизматга жўнатилиши лозим бўлган йигитлар тиббий кўрикдан ўтмоқдалар. Биз ушбу жараённинг қандай кечаётганлигига қизиқиб, Зангиота тумани Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, майор Дониёр Чинпўлатов билан мулоқотда бўлдик.*

— Шу кунларда зиммамиздаги масъулиятни одатдагидан-да кўпроқ ҳис қилмоқдамиз — дейди Д.Чинпўлатов. — Негаки, 1 октябрдан навбатдаги чақирув мавсуми бошланди. Шунга кўра ҳар бир чақирилувчини синчиклаб тиббий кўрикдан ўтказмоқдамиз. Токи, бугун синовлардан ўтган йигит эртага хизмат жойига бориб ўзиям уялмасин, бошқаларниям гап-сўзга қўймасин. Бўлинмамизда бир қатор олий тоифали шифокорлар бор. Уларнинг ишини назорат қилиш учун тумандан вакил ҳам қўйилган. Бундан кўзланган мақсад пала-партишликка йўл бермаслик.

**—Шифокор кўригидан сўнгги хулоса қандай, йигитларнинг жисмоний ҳолати кўнгилдагидекми?**

— Камдан-кам ҳолатларда ҳали жисмонан тайёр бўлмаган йигитларни учратиш мумкин. Келаётганларнинг кўпчилиги спорт билан шуғулланишини, жиддий касалликка учрамаганини таъкидлайди. Хизматга бориш учун болалигимдан ўзимни спорт билан боғлаганман, дея ғурурини яширмайдиган йигитларимиз ҳам кўп.

**— Ота-оналар, чақирилувчиларнинг бугунги ҳарбий хизматга муносабати қандай?**

— Яхши. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам учрамоқдаки, муқобиллик қоидаларига биноан ушбу хизмат турини ўташи лозим бўлганларнинг ота-оналари келиб ўғлимизни ҳарбий хизматга юборинглар, дея илтимос қилишади. Ёхуд оилада ёлғиз ўғли бўлганлар ҳам ана шундай фикрда.

Айниқса, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Юртбошимизнинг ҳарбий хизмат бир йил бўлиши ҳақидаги таклифларидан сўнг одамларнинг қизиқиши янада ортди.

**— Кечирасиз-у кейинги пайтда фалончи ўғлини ҳарбий хизматга пул бериб жўнатибди, ёки пистончи хизматдаги фарзандини олти ой ўтгач уйига олиб келибди, қабилидаги гапларни эшитиб қоляпмиз...**

— Бу гаплар кўчага тааллуқли. Виждони бор одам бундай ҳолатга йўл қўймайди. Қолаверса, хизматга жўнатиш, хизматдан қайтиш амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ бажарилади. Ҳеч қачон соғлиғи тўғри келмайдиган йигитни мажбурлаб хизматга жўнатиш мумкин эмас.

Шундан кейин биз тиббий кўрикдан ўтган йигитлар тўпланиб турган хонага кирдик.

— Бу ерда ҳар куни юзга яқин ёшлар чақирув комиссияси аъзолари билан мулоқотда бўлишади, — дея изоҳ берди, туман мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғининг ўринбосари, майор Бахтиёр Дониёров. Йигитнинг оилавий аҳволи қандай? Хизматга юборилса қийинчилик юзага келадимийўқми, ота-онаси розими, хуллас ҳеч бир жиҳат назардан четда қолмайди. Мана шу суҳбат кўп нарсани ҳал қилади. Шу боис бугунгача туманимиздан хизматга жўнатилганлар орасида шикоят учрагани йўқ.

Ҳа, ҳар бир касб эгаси ўз вазифасини теран ҳис қилиб, виждонан ёндошса камчилик ёхуд муаммога дуч келмайди. Биз Зангиота тумани Мудофаа ишлар бўлимидаги чақирув жараёнини кузата туриб ана шундай хулосага келдик.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

SIEMENS
Со склада в Ташкенте и по контракту
учрежденческие СИСТЕМЫ СВЯЗИ
✓ Сервис 24 часа в сутки
✓ Help Desk (консультации клиентов)
✓ Гарантийное и контрактное обслуживание
✓ Квалифицированный монтаж и наладка оборудования
✓ Техническая поддержка и обучение клиентов сертифицированными специалистами
✓ Гибкая система скидок
✓ Hicom 330H+HiPath
✓ Hicom 150E OfficePro+HiPath
✓ Hicom 150E OfficeCom+HiPath
✓ Телефоны GigaSet стандарта DECT
✓ Аналоговые телефоны Euroset
✓ Цифровые телефоны Optiset
✓ Аксессуары и комплектующие
Сертифицированный БИЗНЕС-ПАРТНЕР № 1 в Республике Узбекистан
"Aleks Telekom"
ПРИГЛАШАЕМ К СОТРУДНИЧЕСТВУ региональных дилеров
тел.:120-72-00, 120-72-01. e-mail:info@telecom.aleksgroup.uz
Товар сертифицирован

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

# Олтин манзил

Пусандаги XIV Осиё ўйинларида байдарка ва каноэчиларимиз ўз баҳсларини узоқ кутишди: 4 соатлик йўл юриб Накдонг дарёси ёнидаги махсус каналда машғулотлар ўтказдилар. Айвонда ўрнатилган катта телевизорда командадошларига мухлислик қилдилар. Спортнинг бошқа турлари бўйича қозонилган ғалабалардан қувондилар, бориб йигит ва қизларни табриклашди. Ва ишонч билан ўзларининг зафарли дамларини кутдилар.

Бу дақиқа бирданига иккита бронза медали билан бирга келди. Буларни байдаркачи Антон Ряхов ва каноэчи Дмитрий Коваленколар бир километрлик пойгада қўлга киритишди. Бу, албатта, уларни қониқтирмас эди.

— Бир километрлик пойгада тўққизта қайиқ қатнашди, — дейди Антон Ряхов. — Бу масофани яхши босиб ўтдим. Фақат хитойлик ва кореялик спортчини олдинга ўтказиб юбордим. Аслида бу масофа «меники» эмас. Меники — 500 метр!

12 октябрь тонги Юлия Борзованинг кумуш медали жаранги билан бошланди. Сўнгра Антон йўлга тушди. Саккиз йил бурун Хиросимада қатнашган Иван Киреев сингари у ҳам 22 ёшидаёқ команданинг тан олинган йўлбошчиси эди. Жаҳон ва Осиё ўсмирлар чемпионатлари, жаҳон кубоги, 1998 йилги Бангкок ўйинлари ортда қолди. 18 ёшли ўсмир Сиднейда икки бора кумуш медаль совриндори бўлди. Польша ва Испанияда ўтган мусобақаларда ҳам кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган.

Пусандаги делегация ҳам, Ўзбекистонда қолган унинг раҳбарлари ҳам, қолаверса кўп сонли мухлислар ҳам Антондан фақат ва фақат олтин медаль кутаётган эдилар. Буни тажрибали спортчининг ўзи ҳам сезиб турарди. Бу туйғу унга куч-қувват ато этди ва ғалаба қозонди. Шу куни Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпиради, чет элда Ватанимиз гимни янгради.

Аммо, бу ҳали ҳаммаси эмасди. Олдинда тўрт нафар юлдуз ҳам бор эди. У айниқса Надя Пишчулина, Таня Москалева, Юлия Борзова ва Татьяна Левина учун ҳам жон куйдириб мухлислик қилди. Ўзиникидан ҳам кўра, уларнинг ғалабаси учун қаттиқ қувонди.

— Сенинг шарафингга Ўзбекистон гимни янграганида нималар ҳақида ўйладинг? — сўраймиз Антондан.

— Ўша ондаги туйғуларимнинг ҳаммасини айтиб беролмайман, — дейди у. — Балки хаёлимда мен учун бунчалик имкониятлар яратаётган Ватанимга шукроналик кечгандир. Биласизми, ҳар бир спортчида ватанпарварлик туйғуси мавжуд. Аммо биз бу ҳақда гапирмаймиз, биз уни масофалар оралиғида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Аслида Антон эшкак спортига тасодифан келиб қолган. У аввалига кураш билан шуғулланди, сўнгра бир йил велосипед машғулотларига қатнашди. Қайси бир йили қишда Фарғонада ўзи ўқийдиган мактаб ёнидаги кўлни сувга тўлдиришди. 16 ёшли ўсмир дўстлари билан байдаркачилар қўлида машқ қила бошлади ва бу унга ёқиб қолди. Бунга онаси ҳам қаршилик кўрсатмади. Бора-бора синглиси ҳам унга эргашди.

Шундай қилиб, Антон бу сеҳрли касбга боғланиб қолди, бу унга шараф келтирди.

**С. ДАНИЛОВ.**



СУРАТДА: *Антон Ряхов (чапдан иккинчи) терма командадаги дўстлари билан.*
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**



# Токиодаги мактабда Ўзбекистон куни

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси Токиодаги Коматсугава таълим даргоҳида мактаб ўқувчилари ташаббуси билан Ўзбекистон кунини ўтказди.

Тадбир дастурига мувофиқ, даставвал "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлида" мавзуида ўқув машғулоти ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, унинг Буюк Ипак йўлида тутган ўрни ҳамда бугунги ҳаёти тўғрисида сўз юритилди. Шу билан бирга ўқувчиларга Ўзбекистон жуғрофияси, иқлими, табиий шароити ва фойдали қазилмалари ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилиб берилди.

Маълум бўлишича, Коматсугава мактабида таҳсил олаётган болалар интернет тармоқлари орқали Ўзбекистон билан боғлиқ қатор саҳифаларни мунтазам равишда кузатиб ва республикамиз тўғрисидаги билимларини ошириб боришаётган экан. Шу боис ҳам улар дарс машғулотида фаол иштирок этдилар. Навбатдаги дарс "Ўзбек тилини ўрганамиз" деб номланди. Бу машғулотда ўзбекча иборалар билан бирга миллатимизга хос бўлган одоб-ахлоқ ва муомала меъёрлари ҳақида сўз юритилди.

Таъкидлаш жоизки, япон ёшлари ҳам ўзбек тенгдошлари каби ўзларидан катта ёшдагиларга, хусусан, қарияларга жуда катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади. Ўзбек тили дарсидан сўнг япон болалари шу ернинг ўзида намойиш этилган ўзбек халқ ҳунармандчилиги — зардўзлик ва ўймакорлик санъати асарлари ва миллий мусиқа асбоблари билан танишдилар.

Коматсугава мактаби ҳузурида ўқувчиларнинг Санъат уюшмаси мавжуд бўлиб, Токиодаги бошқа қатор мактабларнинг болалари ҳам унга аъзодирлар. Уюшманинг асосий мақсади ўқувчи ёшларға санъат сирларини чуқурроқ ўргатиш билан бирга, жаҳондаги турли халқлар маданияти тўғрисида маълумотлар беришдир.

Ташкилот мамлакатимиздаги Буюк Ипак йўлининг асл дурдоналари Самарқанд, Бухоро ва Хивани келиб кўриш ҳамда ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари билан алоқа ўрнатиб, янги дўстлар орттириш мақсадида токиолик ўқувчилар учун юртимизга сафар уюштиришни режалаштирган.

Кунчиқар мамлакат ёшларининг Ватанимиз тарихи ва маданиятига бўлган қизиқиши келажакда ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиз.

**Б. АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Токио.**

Китоблар оламида

# «Патентшунослик»

1992 йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идорасининг ташкил этилиши ихтирочилик ва рационализаторлик ишларини жонлантириб юборди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари" ҳақидаги Қонун олимларга, ихтирочиларга ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратди. Янги қонунга асосан Давлат патент идораси ихтироларга, фойдали моделларга ва саноат намуналарига 20 йилга патент беради. (Эски қонун асосида дастлабки патент 5 йил берилар, уни патентга алмаштириш учун илтимоснома расмийлаштириб, пул тўлаш керак эди).- Бундай Патент интеллектуал мулкларга жаҳон қонунларидан келиб чиққан ҳолда яратилган ихтиронинг ўхшаши давлатда ҳимояланмаган — яратилмаган бўлса берилади. Жаҳон патент қонунларига ва стандартларига тўлиқ жавоб беради. Бу эса олимларимиз, ихтирочилар ва тадбиркорларимиз яратаётган интеллектуал мулкимизнинг жаҳон миқёсидаги салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Патент бу хусусий мулк. Эгаси уни хоҳласа Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорларга, хоҳласа чет эл тадбиркорларига қонунда белгиланган тартибда сотиши мумкин. Қабул қилинган янги Қонун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига бир қатор тадбирларни амалга оширишни юклайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан фақат магистрлар учун "Патентшунослик" дарслиги баъзи олий ўқув юртлари режасига киритилган. Лекин бу фан бўйича ўқув китоби, қўлланмалар жуда кам. Масалан, 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмаси асосида ёзилган Қаҳҳор Шокамоловнинг "Патентоведение" ўқув қўлланмаси патентшунослик бўйича ёзилган биринчи дарсликдир. У беш қисмдан иборат бўлиб, унда патент идорасининг вазифалари, патент эгаларининг ҳуқуқлари, ихтирога, саноат намуналари, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурларни ва рационализаторлик таклифларини қандай ҳимоялаш, уларга бериладиган талабномаларни расмийлаштириш тартиблари, иқтисодий фойдани ҳисоблаш, лицензияларни сотиш ва сотиб олиш тартиблари содда, тушунарли қилиб ифодаланган.

Дарслик 2001 йили 250 нусхада чоп этилганди. Эндиликда у қайта нашр қилинди. Шуни ҳам айтиш керакки, Халқ таълими вазирлиги, "Устоз" республика жамғармаси ўтказган "2002 йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танлов якунлари бўйича Қаҳҳор Шокамоловнинг "Патентоведение" ўқув қўлланмаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган янги Қонунда таъкидланганидек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси билан биргаликда олий маълумотли патентшунослар тайёрлашни йўлга қўйса, келажакда яратилаётган ва ишлаб чиқарилаётган мамлакатимиз интеллектуал мулки ҳимояланган бўларди. Жаҳон бозорида маҳсулотларимизни юқори нархларда сотишга асос яратиларди. Дарслик давлат тилида нашр этилса ва кўпроқ нусхада чоп этилиб, ҳамма коллежларга, олий ўқув юртлари, кутубхоналарга, илмий текшириш институтларига тарқатилса, айни муддао бўлар эди.

**Нўъмон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси "Фан ва тараққиёт" илмий технологик комплекси раисининг муовини, техника фанлари доктори.**


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

республиканинг турли ҳудудларида амал қилаётган ишлаб чиқариш объектларини сотиб олишга доир тендерда қатнашиш учун потенциал инвесторларни таклиф этади

| Лойиҳа мақсади | Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми | Машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи |
|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | | |
| Шоколад қиёмли вафли ишлаб чиқариш | 164 млн. ўрам | «Хаас Ваффельмашинен» (Австрия) |
| Қўй-эчки терисини қайта ишлаш, чарм куртка ва манто ишлаб чиқариш | 450 минг дона қайта ишланган тери ва 45 минг дона куртка | «И-ТАКО» (Туркия) |
| Минерал сув, ичимликлар қуйиш ва цукатлар ишлаб чиқариш | Мин. сув — 11,5 млн. шиша, цукатлар — 57 тн. | «Альберто Бертуцци С.п.А.» (Италия) |
| Музқаймоқ ишлаб чиқариш | Йилига 1,2 минг тн. | «Тетра Пак» (Швеция) |
| **Қашқадарё вилояти** | | |
| Хом сурп ишлаб чиқариш | 8 млн.пог.м. | «Текстильмаш» ОТАЖ (Россия) |
| **Навоий вилояти** | | |
| Мармар блоклар ишлаб чиқариш | 50,8 минг кв/м | «Педрини С.п.А.» (Италия) |
| **Наманган вилояти** | | |
| Қўй-эчки терисини қайта ишлаш, чарм куртка ва дублёнка ишлаб чиқариш | 100 минг куртка, 70 минг дублёнка | «И-ТАКО» (Туркия) |
| Ҳўл мева ва сабзавот шарбатларини халтачаларга қуйиш | 307,7 минг халтача | «Пак Лайн» (Исроил) |
| Вино ишлаб чиқариш | 12,6 минг тн. | «Репарасионес Виниколас С.А.» (Испания) |
| **Самарқанд вилояти** | | |
| Пайпоқ ишлаб чиқариш | 5,2 млн. жуфт пайпоқ | «Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта) |
| **Сурхондарё вилояти** | | |
| Пиво қуйиш | 700 минг литр | «Сорипари Валлалкозас Кфт» (Венгрия) |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| Пойабзал ишлаб чиқариш | 722,3 минг жуфт | «Гранучи С.Р.Л.» (Италия), «Данисман Макина Санайи» (Туркия) |
| Боғлаш материаллари ишлаб чиқариш | 11 млн.ўрам | «Текстайл энд Коттон Компани Лтд.» (Мальта) |
| **Тошкент вилояти** | | |
| Оқсил изоляти ишлаб чиқариш | 7 минг тн. | «Варта Индастрис Корп.» (Канада) |
| Болалар пойабзали ишлаб чиқариш | 110 минг жуфт | «Вега Маркетинг Г.м.б.х.» (Австрия) |
| **Хоразм вилояти** | | |
| Эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш | 810 минг жуфт | «Берпел С.р.л.» (Италия) |
| Чармни қайта ишлаш | 300 минг дона чарм | «Дери Максан», «Оздерсан», «Вилдирим» (Туркия), «Москони & Ко» (Италия) |

**Аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101-уй.**
**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки,**
**Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармаси.**
**Телефонлар: 137-62-75, 137-63-48. www.nbu.com**


Тадбир

## Фахрийларга меҳр улашиб

Ўқитувчилик касбини боғбоннинг ишига менгзаш мумкин. Боғбон кўчат ўтказиб, у дарахтга айлангунга қадар кўп заҳмат чекади: ёш новдани бегона ўтлардан тозалайди, суғоради, озиқ беради. Мураббий ҳам шундай: шогирдларининг тўғри таълим-тарбия олиши учун бор меҳрини аямайди.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида жойлашган 455-бошланғич таълим-тарбия марказида ҳам ана шундай фидойи мураббийлар кўп. Мазкур ўқув даргоҳи 1995 йилда бошланғич таълим-тарбия маркази (БТТМ) мақомини олгач, ўтган давр мобайнида талай ўзгаришлар амалга оширилди. Тажрибали мураббий-ўқитувчилар жалб этилгач, ўқитиш сифати юксалди. Айни пайтда бу ерда 5 та боғча гуруҳи, 9 та синф бўлиб, жами 310 нафар бола таълим олади. Марказда асосан иқтисод йўналишига алоҳида урғу берилса-да, болалар инглиз тили, компьютер машғулотларини ҳам ўтайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур муассасанинг турли тадбирларда иштирок этиши ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Уруш ва меҳнат фахрийлари» уйида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда марказ жамоасининг иштирок этиши кечага ўзгача файз бағишлади.

— Анчадан буён шундай тадбир ўтказиш ниятимиз бор эди, — дейди марказ директори Шаҳноза Акрамова. — Фахрий ота-оналаримиз билан учрашувимиз эса ниятимизнинг ижобати бўлди, десам янглишмайман.

Дарҳақиқат, ушбу тадбирда болажонларнинг иштирок этиши қарияларни шодлантириб юборди. Марказнинг «Сурайё» ансамбли қатнашчилари ижро этган ашула ва рақслар отахону онахонларга ёшлик фаслини эслатган бўлса не ажаб. Айниқса, бағри кенг, танти инсонлар томонидан ташкил этилган дастурхонга ноз-неъматлар, ош тортилиши тадбирнинг байрамга айланишига сабаб бўлди. Баҳоли қудрат совға-салом улашилгач, фахрийларимизнинг тадбир ташкилотчиларига билдирган дил изҳорларини айтмайсизми?!

Шу маънода мазкур тадбирни меҳр-оқибат изҳори, деб номласак муболаға бўлмаса керак.

**Ўз мухбиримиз.**


# «Бектемир универсал бозори» ОАЖ

**жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2002 йил 7 ноябрь, пайшанба куни, соат 15.00да қуйидаги манзилда бўлишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, «Қўйлиқ деҳқон бозори» майдони, 2-блок, 2-қават.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун аудитор компаниясини қайта кўриб чиқиш.*
2. *Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.*

**Акциядорлар соат 14.00дан рўйхатга олинадилар.**

**Маълумот учун телефонлар: 195-28-10, 195-17-39.**

***«Бектемир универсал бозори» ОАЖ кузатув кенгаши.***

**«НЕФТАВИАСЕРВИС» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ МАЖМУАСИНИ ТУГАТИШ ҲАҚИДА ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳар, Сирғали туманида рўйхатдан ўтган «Нефтавиасервис» давлат унитар корхонаси ёқилғи қуйиш мажмуаси, ОКПО коди 17778235, **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволарни эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида тугатиш комиссияси номига қуйидаги манзилга юбориш лозим:

**ГСП-700060, Тошкент ш., Моварооуннахр к., 41-уй.**

*Тугатиш комиссияси.*


Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсуповага ўғли
**Миржалол ЮСУПОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими Феруза Ризаевага падари бузруквори
**Мақсуд ота ГУЛМИРЗАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази жамоаси марказнинг раҳбар ўринбосари Даврон Холиқовга укаси
**Зиёдулла ХОЛИҚОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институтнинг катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Эркин Запаровга онаси
**МАРЗИЯ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси бошқаруви ва жамоаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси Азимжон Аюповга волидаи муҳтарамаси
**ҚУНДУЗХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — С. ДОНИЁРОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6